

“Тасдиқлайман”  
“Қашқадарё сув таъминоти”  
МЧЖ бош муҳандиси

Т.Якубов.  
2022 йил.

**ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШОТИ ҚУРИЛИШИ**

**ТЕХНИК ШАРТ № 2**

**Буюртмачи:** “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиали.

**Иншоотнинг номи:** Яккабоғ тумани “Айғиркул” МФЙ худудида барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивида ичимлик сув ва канализация тармоқлари қурилиши.

**Манзили:** Яккабоғ туман “Айғиркул” маҳалласи.

**I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.**

**1. Ичимлик сув тармоғига уландиган жой:** “Айғиркул” МФЙ худудида барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивини ичимлик сув билан таъминлаш учун гидрогеологлар хулосасига асосан истеъмол ҳажмидан келиб чиққан ҳолда (1250.1 м<sup>3</sup>/сутка) артезиан кудуқлари қозиш ва тўлик жихозлаш, қазилган кудуқлар муҳофаза санитар химоя зонаси билан ўраш, насос станция қуриш ва энерготехжамкор насослар билан жихозлаш, ТП ўрнатиш, электроэнергия таъминоти ва сувни зарарсизлантирувчи ускуналари билан жихозлаш ва массивда ичимлик сув тармоқлари қурилиши лойиҳада аниқлансин.

**2. Уландиган ичимлик сув қувури диаметри:** Гидравлик ҳисоб-китобга кўра қабул қилинсин.

**3. Истеъмолчиларга ичимлик сув тармоғига ва канализация хизматига уланган нуқтага қузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.**

**4. Иншоотлардан чиқиш ва кириш қисмига “Онлайн” тизимида ишловчи замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин.**

**II. ОҚОВА СУВ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ УЧУН.**

**1. Оқова сув тармоғига уландиган жой.** “Янги Ўзбекистон” массивида хонадонлар сонидан келиб чиқиб канализация хизматлари кўрсатиш учун янги замонавий типдаги Оқова сув тозалаш иншооти (КОС) қурилсин ва оқова сувларни ташлаш нормалари асосида тозаловчи ускуналар билан жихозлансин. Ер сатҳига кура КНС қуриш ва массивда канализация тармоқлари тортиш лойиҳада аниқлансин.

**III. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.**

**1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи ва канализация хизматлари чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув ва оқова сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.**

**2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик ва оқова сув қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.**

**3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.**

**4. Тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.**

**5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.**

**Асос:** “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 30.12.2021 йилдаги №824-сонли хати.

ИЧТБ бошлиғи

К.Қўйбоқоров.